Жахонгашта Машрабнинг дунёқарашича, ҳар бир инсоннинг дил олами тавоф этишга,, эъзозлашга сазовор. Чунки Тангри жамики мавжудот ичра энг мукаррам зот этиб инсонни яраттан. Узидаги энг гўзал фазилатларни унда мужассамлаштирган. Инсон дилида Узига нисбатан оташин мухаббат уйготган. Бинобарин, одамзод юрагида Оллох мухаббати мавжуд экан, у Каъба сингари этишдек гунохи азим. Машрабнинг инсонпарварлик нуқтаи на- ли: зарича, инсонни севиш Оллохга мухаббат боглаш, инсоний камолотта эришиш Хакнинг сифатларини хосил қилиш, ҳақиқатта етишиш билан баробар. Инсонга мехр, дили гамгин халойик хайлини севиш Машрабга азалдан бағишланган туйғудир:

Азалдан мен дили гамгин

халойик хайлини севдим. Нима учун шоир дили гамгин алойикни севади? Чунки гамгинлик хам ижобий инсоний фазилатлардандир. Асли, ғамли, дардли одам имонли, эътикодли, максадли, маслакли кишилар тоифасига мансуб. Дили ғамгин халойик факат ўз гамидан эмас, ўзгалар ғамидан ҳам ҳайғуради. Аксарият гамсиз одамлар эса бефарқ бўладилар. Ғамсиз дилга ишқмухаббат хам ошён курмайди. Зотан, «Дард чекмак, ашк тукмак ишқ элига хосдур». Уз ғамига эга бўлмаган олам ўзгалар ғамини емайди. Fам чекмайдиган одамнинг халқ ғамидан ҳам ғами бўлмайди. Шунинг учун Алишер Навоий «Одами эрсанг, демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами», дея халк гамини емайдиганлар одамийликдан йироқ эканлигини таъкидлайди. Боборахим Машраб эса бундай тоифали кишиларни «Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама!» дея рад этади.

Бундай сатрларда Машраб халқ дардини, Ватан дардини, дину диёнат, хак ва хакикат дардини назарда тутади. Шоирнинг дардпарвар рухида халқпарварлик ғоя- ли. лари етилади:

Мухаббат дардида оввора булган халкни курдим, Кузи вакти сахар сайёра булган халкни курдим, Тани дарду аламдан ёра бўлган халкни курдим, Дили тиги ситамдан пора бўлган халкни кўрдим, Зулм тугён этибдур — хар бириси бехабар танхо.

Донишманд шоирнинг инсонпарварлик ва халқпарварлик гоялари одамгарчилик тўгрисидаги панду насихатларида хам мужассам. Шоир маънавий-ахлокий етук инсонда камтаринлик, хокисорлик, дардмандлик каби олий фазилатларни куришни истайди.

Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинхор хурсанде, Узунгни хар хаси хошокдин, эй банда, камтар тут.

Машрабнинг дунёкарашича, маънавий камолотга талабгор одам, хар қанча улуғ мартабаларга кўтарилмасин, магрурланиб кетмаслиги, ўзини ер юзини қоплаган хасу хошокдан хам камтар - тупрок билан тенг тутиши ло-

Улугман деб, такаббур пеша қилма муштипарларга, Сарафрози топай десанг, давомат дийдани тар тут.

Баъзи улуглик даражасига етган кишилар кибру хавога берилиб, бева-бечора, етим-есирларни назар-писанд килмай, уларга нисбатан калондимоглик, такаббурлик билан муносабатда буладилар. Машраб одамларни ана шундай хулқ-атвордан сақланишга, аксинча, муштипарнинг гаму дардига шерик булишга, кунглида ғам, кузида нам билан узини уларга хамма вақт хамдард тутишга таргиб этади.

Нафсга қарши кураш, уни мағлуб этишга интилиш тасаввуф ахли ахлокининг асосий хусусиятларидан бÿлган. Нафсу ҳирсу ҳаваснинг хуружи хамиша маънавий поклик ва мукаммалликка рахна солиб келган. Шу боисдан Машраб ўз шеъриятида нафсу хирсу хавасдан покланишта, сақланишта қайта-қайта даъват этади. Хаёт чоррахаларида нафс инсонни шу қадар мағлуб этадики, бандасига ожизлигидан Машраб факаттина Тангридан нажот ва панох сўрайди:

Нафси саркаш муддаосидин худо берсун панох, Бул замона муттакосидин худо

Машраб замонаси ва жамиятининг суянчик, таянч арбоблари хам нафс шайтанатига мубтало эканлигини аямай фош этган.

Жахон шайхи, кибори, олиму козию хам муфти, Хамма ўз нафси бирла — беватан саргарон, мен

Жамиятнинг хамма устунлари нафсга берилган вазиятда бир шоир нафста қарши аёвсиз кураш эълон қилса, у албатта, хукмфармо доираларга ёкмаслиги, кувгин-қатағонга учраши тайин. Машрабнинг нурли, айни пайтда, фоже қисматига мана шундай юзар каъба бузулмазму? - қарама-қарши нуқтаи назар сабаб бўлган. Машраб ижодиётида ишқ мадҳи муътабар мартабада туради. Шоир ишкни имон белгиси, имон гарови янглиг улуглайди:

> Қайси танни ишки йўқ бўлса, они имони йўк, Хар кишини дарди гар бўлса, они курбониман.

Шоир назарича, ишк-мухаббат дард ахлигагина хос. То кишига Оллох дард бермас экан, унинг муқаддас, муборакдир. Одамнинг юрагида ишқ оташи шуълаландил оламига кириш Каъбани зиё- майди. Демак, мухаббат хар кимрат этишдек савоб. Одамнинг ди- га насиб этавермайди. Кўнгли мулини огритиш Каъбани вайрон хаббат оташгохига айланган ошиқ эса Машрабдек салобат касб эта-

> Барчага молу жохини, неъмату мулку жойини, Менга берибдур охини — ушбу дурур салобатим.

Лирик қахрамон барчага бериладиган молу мансаб, неъмату нгли фахру ифтихорга тўлади. Чиндан ҳам, Машрабнинг ошикона ва шоирона салобати унинг еру осмонни ўртовчи наъравор охларида мужассамдур. Бирор шоир ох тасвирини Машраб сингари Хадди аълосига етказа олган булзали мутолаасидан хам имон келтирган эдик. Аммо мана бу байтдаги ох тасвири Машраб махоратининг тенгсиз намунасидир:

Гам шоми фирокингда кабоб этти фалакни Охи сахарим, хохи инон, хохи

Машраб эътикодида кунгил тахорати, дил намози энг мухим ди. Машраб маслагида худди нафс сингари гина-кудурат, ҳасадхусумат, фиск-фасод хам муъминнинг ашаддий душмани санала-

Охири манзилга етмасдур кудуратлик кунгул, Дилга жо бермок на хожат

душмани гаддорни.

Тасаввуф эътикодича, дилни фақат ерга бермоқ керак. Кўнгилдан юқорида саналған ғаддор душманларга ўрин берилар экан, ундай масканни ёр тарк этади. Кудуратлик кўнгул сохиби висолкушкига кутарилишдан махрум

Шоирнингча, то дилда маърифатдан нури имон булмаса, суфининг ишк даъвосини килиши бехуда. Ориф ошиққина дунё манфаатларидан фориг булиб, ёр мухаббатини қозониши мумкин.

Хотири покингни машгул қилма харгиз дунёга, Дил губоролуда бўлди, ул куролмас ёрни.

Дунё манфаатларига мехр боглаш, мол-мулкига хирс қуйиш суфининг мусаффо кўнгил кўзгусига гард юқтиради. Ошиқ кўнгил кўзи-ла ёрни кўролмай, дийдордан бенасиб булади.

Машраб янада мусаффо эътиқодга эришиш учун қаландарлик йўлини тутган. Қаландарлик фалсафаси жуда содда, аммо бугунда. биз учун очилмаган қуриқдир. Тасаввуфдаги қаландарлик йўли ҳакидаги дастлабки содда тасаввурларни бизга Машраб шеърияти

Хавас бозорини дур айлагил зинхор бошингдин, Кулунгии икки дунёдин узуб, дилни қаландар тут.

Мана шу байтнинг ўзиёқ қаландарлик фалсафасининг асосий мохиятини акс эттира олади. Англашиладики, қаландар шундай инсонки, унинг бошида дунёнинг минг битта орзу хаваси айланмаслиги, тафаккури манфаат исканжасидан озод, хотири тирикчилик гам-ташвишларидан, можароларидан осойишта булиши керак. Хавас бозорига айланган бошта рузгорнинг минг бир савдоси тушади ва у эркин булолмайди. Қаландар эса фикран, қалбан, рухан эркин, икки дунё манфаатларидан қул тортган, дилида фақат Оллох зикри билан маш-

Каландарлик йулининг хосияти, шарт-шароитлари, гоявий муддаоси, айникса, «қадандар бўл» радифли газалда равшан

Муродингта етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл, Ситам ахлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл. Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг, Жахонни сайр этай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл. Бу таквондин кечай десанг,

хонакохдин кочай десанг, Хакикатни очай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл. Соликнинг максад-муроди Хакнинг дийдорига муяссар бў-

зур-халоватию айш-ишратлари-

дан, орзу-хавасидан воз кечган-

бўлганлигидан далолат беради. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Боборахим Машраб валиёна кароматлар сохиби, ўзига хос дунёкарашли мутафаккир шоир. Шу билан бирга, купгина шеърлар Машраб оддий бир инсон

Машраб» қиссасидаги саргуза-

штлар Машрабнинг ўзи мана

шундай қаландар табиат инсон

лиш, ҳақиқатни очишдир. Бу асил ва олий муддаога эришиш учун қаландардар дунёнинг барча ҳу-

ради. Масалан, мана бу сатрлар

мактублар ичида баъзан шун- тайлик», деб туриб олди. Ота-она-В дайлари хам бўладики, ўкисанг си хам «Туй эгалари бизга якин баданинг жимирлаб кетади. Ха- кишилар, хурсанд булишади», дели шу чоққача қўлига қалам олиб, ганларидан кейин рози булдик. бировга кўнглини очмаган, боши- Туй яхши утди: Урф-одатлари бизва не келса ичига ютиб, сирини ларникидан анча бошкача экан, якин кишисидан хам яшириб, кў- куриб роса яйрадик. Мехмон бунгли тубининг энг нозик қатла- либ утиравермай Раънохонга қурида асраб келаётган қиз ёки йи- шилиб унча-мунча юмушларига гит, келинчак ёки куёв, мушти- қарашвордик. Мен азалдан идишпар она, шайтон васвасасига товок ювишни, хоналарни тартибучиб, энди эса килмишидан пу- га келтиришни яхши кураман. рат маржонларидай тукиб со- сизлар-ку, дам олиб утиринглар, ладики, эттибор бермасликнинг дейишса хам кунмадик. Эртасига сира иложи йўк. Аммо, бу дил эрталаб ховлини супуриб-сидиизхорлари, тазарруларни ошкор ришга ярим кечгача давом этган килиш осон деб ўйлайсизми? Хаэканлигидан гувохлик бериб тули уйдан остона хатлаб кўчага чикмаган, махалла кулогига етиб бормаган, қариндош-уруғ бехабар гапларни эларо овоза килиш шартми? Бундай қилсак, шундоқ хам огрикли дардни кайта тирнаб қўйган, бошига иш тушган, адашган, кўнгил кўчасига кириб, оиласидан, касб-коридан, дўст-

ёрондан ажраб ўтирганлар муш-

кулини янада оғирлаштириб

куймаймизми?

Тахририятимизга келаётган Раънохон «Туйни утказиб кешаймон ота гохо дардини хас- Қуйинглар, сизлар ахир мехмон-

чаганим йук», дейман, аммо узимни ўзим танимайман.

Темурий шахзода Шох Гариб мирзо хақида қайдлар

Алишер Навоийни бугун умри давомида бир муддао гоят банд эттан, десак муболаға бўлмас. Бу — она тили такдири ва унда ижод қилиш масаласи эди. Шоир «Мухокамат ул-луғатайн» асамулку жой ўрнига Оллох ишк из- рида форсий ва туркий тилли шоирларнинг ўзаро хамкорликлатиробларидан чекиладиган ох бер- рини қайд этади. Форсийда шеъриятнинг турли-туман жанрлаганлиги учун шукрона этади, кў- рида жуда кўп гўзал асарлар яратилганини эьтироф қилар экан, Навоий туркий (ўша даврларда қадим ўзбек тили шундай деб юритилар эди) тилдаги шеърият форсий шеъриятта нисбатан суст ривожланганлигига эьтиборни тортади ва бунинг бош сабабларини очиб беради.

Биринчи сабаб — туркийгўй ижодкорларнинг туркий ва она тилининг нозиклигини, мураккаблигини билдирувчи бир неча маъноли сўзлар ва ифодаларнинг жуда кўплигидан, уларни тушумаса керак. Биз бунга «Уртар» га- ниш ва шеъриятда махорат билан ишлатиш мехнатидан чучиб, осонлик сари майл қилишларидир.

Иккинчиси — идрокли сўз саньаткорлари бу йўлдаги бехуда уринишларни кўргач, замонадаги хукмрон анъана доирасида қолишни ўзларига муносиб деб билганликларидир.

Учинчиси — ёш ижодкорларда шундай одат бўладики, ўзига маъкул (бу табиий, албатта) асарларни тажрибали шоирларга, адибларга кўрсатиб, уларнинг эьтирофига, мақтовларига сазовар бўлишни истайдилар. Бундай фикрни билдириши мумкин хисобланган сўз санъаткорлари эса туркийдан бебахра эканликлари туфайли энди ижод йўлига кириб келаёттанлар форсийга майл кургазадилар.

Ана шу каби сабабларга кўра, қадимги ўзбек тилидаги шеърият маънавий омиллардан хисоблана- форсийдагига нисбатан ортда қолиб кеттан эди.

Навоий куйиниб ёзади: «...бу халқ орасидан пайдо булган табъ ахли салохият ва таъбларини ўзга тил била зохир килмасалар эрди ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди».

Шох Гариб мирзо ана шундай форсийда хам, туркийда хам шеър айта оладиган шоирлардан эди. У туркийда кўпрок ёзишта мойил ижодкор эди.

Шох Гариб мирзо темурий шахзодалардан Султон Хусайн мирзонинг ўгли. Онаси — Хадича бегим.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Шох Faриб мирзо ҳақида: «Шўх таъблиг ва мутасарриф зеҳнлиқ ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ таққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назири маъдум ва мутахаййила ва хофизада адили номаълум. Ов ва куш хотирига маргуб ва курро («Курьон»ни кироат билан ёддан тиловат қилиши) ва ўкуш кўнглита махбуб», деб ёзади хамда шоирнинг ўзбек тилидаги учта ва форсийда ёзган иккита газалидан матлаъларини келтиради:

Кайси бир гулчехра ул гулбарги хандонимча бор, Кайси шамшодкад сарви хирмонимча бор?

Яна бири:

Тарки мехр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача, То тирикман килмагумдур ахду паймон ўзгача.

Кейингиси:

лар. Улар Хакни телбаларча из-

лаганлар. Улар дунёнинг бошка

лаззатлари қатори, оила қуриш

бахтидан ҳам қулларини ювиб

қўлтикларига урганлар. Дунёни-

нг барча машаққат ва риёзатла-

ридан бир йўла қутулганлар. Қа-

ландарлар танларини-да озод тут-

ганлар, хонақохларни тарк этган-•

лар, таквонинг зохирий чегара-

ларини ёриб ўтганлар, шахарма-

шахар, юртма-юрт кезиб, эзгулик-

дан маърифат қилганлар. Улар як-

тан, ялангтуш булиб халойиқ ур-

тасида дунёнинг вафосизлигидан,

ижтимоий адолатсизликдан фарёд

килиб, хакикат йўлини, динни,

пайгамбару авлиёларни талкин

этиб, илохиёт илми хакида байту

газалу хикмат, достону ривоятлар

айтиб маърифатнинт бозорини

қизиттанлар. Улар жахонни сайр

этиб юриб, ўз хурриятлари,

маърифатлари билан ситам ахли-

ни ютганлар. Қаландарлар ҳар

қандай дунёвий исканжадан озод

булиш учун доимий макон хам

қурмаганлар. Қаландархоналарда

ующиб, таркалиб жон саклаган-

лар. Лирик қахрамоннинг ўй-фи-

крлари, ахволи рухияси, «Шох

Порсо ёримга май ичмак шиор ўлмиш яна, Баски тортарман сабу, эгним фигор ўлмиш яна.

Шох Гариб мирзонинг форсий шеърларидан куйидаги матлаъни Навоий: «Багоят ошикона ва мухлисона ва мутассирона вокеъ бўлубтурким», деб таърифлайди:

Дустон, хар гох сун мазори ман кунед, Жойи такбарам дуои жони ёри ман кунед.

(Мазмуни: Дўстлар, гохо мозоримга томон келиб туринг, Менга фотиха ўкиш ўрнига ёримнинг дуои жонини килинг.)

Машраб онани бекиёс даража-

да улуглаб севувчи, онанинг

мехрига зор, дийдорига ташна

Жамолинг кургали келдим, аё

эй мехрибон онам,

юрагу багри кон онам...

мени ороми, жонимсан,

бехишти жовидон онам...

фирок ўтига, эй Каъбам,

ўглон эканлигини гавдалантира-

Менинг учун адо булган

Ажойно мехрибонимсан,

Муроди ду жахонимсан,

Сени куп интизор эттим

Тавофи Каъбайн максуда

Бу сатрларни ўкиганда, беих-

тиёр Машрабга хамдардлик туя-

миз, согинч хисларимиз тугён

кутаради, дилда фарзандлик

мехримиз гупуриб тошади, она-

чимизни яна бир бор англаймиз.

Она багрини Каъба каби мукад-

дас саждагох, адабий жаннат да-

ражасида улуглашни Машраблан

ўрганамиз,

Навоий Шох Гариб мирзо девон тузганини айтади ва яхши шеърлари бор, улар хакида алохида китоб ёзса бўлади, деб таъриф-

«Мажолис ун-нафоис»нинг форсийга биринчи таржимони Фахрий Хиротий Шох Гариб мирзо шеъриятидан яна бир байт келтиради:

Бозам балойи жон гами он мохпора шуд, Эй вой, он маризки, дардані ду бор шуд.

(Мавмуни: Ул гўзалнинг ғами жонимға яна бир бало бўлди Эй вой, ул касалнинг дарди икки хисса булди.)

Мазкур асарга ўзидан 9 қисмдан иборат 9-мажлисни илова қилар экан, Фахрий Мавлоно Султон Али Жомийнинг бир ғазалига жавобан ёзилган газал матлаъидан сўнг: «Хаммадан яхши жавобни Шох Fариб мирзо ёзган», деб куйидаги матлаъни кел-

Гар кушоди кори мо буди зи зулфи ёри мо, Инчунин ошуфтаву дархам набуди кори мо.

(Мазмуни: Агар ишимиз ечими ёримиз зулфида бўлса, Ишимиз бу қадар тўзик ва чигал бўлмас эди.)

Захириддин Мухаммад Бобур «Бобурнома»да: «Шох Fариб



мирзо... букри эди. Агарчи ҳайъати (кўриниши) ёмон эди, табъи хуб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи маргуб эди. «Fарибий» тахаллус қилур эди.», деб ёзади ва унинг девон хам тартиб берганини таъкидлаб, бир форсча байтни келтиради:

Дар гузар дидам парируй шудам девонааш, Чист номи ў, кужо бошад надонам хонааш.

(Мазмуни: Гузарда бир паричехрани кўриб, девона бўлдим, унинг исми нима, уйи қаёқда, билмайман.)

Бобур давом этиб ёзади: «Неча махал Хирий хукуматини Султон Хусайн мирзо Шох Гариб мирзога бериб эди. Отасининг замонида ўқ нақл қилди (вафот этди). Андин ўгил, қиз қолмади»

Алишер Навоий «Фарход ва Ширин» достонининг охирида Шох Гариб мирзога алохида боб ажратади. Уни яхши фазилатларга эга, илм-маърифатга ташна бўлган шахзода сифатида таърифлайди ва унга баъзи насихатларни килади.

Навоийнинг Шох Гарибга қилган насихатлари сирасида ичкиликнинг офатли зарари ҳақида ҳам сўз кетади. Кўринадики, давр иллатига айланган саройдаги хаёт шундай пандни такозо эттан. Шоир шахзоданинг сўзни, сўзларининг маънолар жилосини, ноёб тимсолларни нозик идрок этишини, улардан мохирлик

билан истифода этишини мақтайди. Шох Гариб мирзо вафотига Навоий марсия хам ёзган. Уни матншунос олим Хамид Сулаймонов 1971 йили эьлон килган эдилар. Бу марсия матни ўрин олган девон, ноширнинг аниклашича, хижрий 904 йили Хиротда кўчирилган. Бинобарин, Шох

Fариб мирзо 1498 йил охири — 1499 йилларда вафот эттан. Хар банди 6 байтдан иборат 5 бандли 60 мисрали таркиббандмарсияда ширинсухан, сохиби девон шоир Шох Гариб мирзонинг ўлими Хирот ахли учун, хусусан, Навоий учун мусибат экани қаламга олинади:

Барча гамгин, баридин менда фузун гамзадалик, Рузгоримни килиб тийра бу мотамзадалик.

Фахрий Хиротийнинг ўзидан илова қилган IX мажлисда келтирилишича, хиротлик бир шоир «Гарибий» тахаллусини олганида Хусайн Бойқаро ўғлининг хотири учун тахаллусини «Маж-

лисий»га ўзгартирган экан. Шояд, Шох Гариб мирзонинг девони топилса ва халкимизга такдим этилса, деган умидда изланишдамиз.

Суйима FАНИЕВА

Шундок деймизу, бошка бир мулохаза хам бор-да. Адашаётганлар озми? Кўриб туриб, билиб туриб ўз бахтларига ўзлари зомин бўлаётганлар; тўгри йўл колиб балчигу боткокликларда ўзи, опласт, ота-онаси шавнига вард юктираётганлар камми? Кам эмас. Шундок экан, адашв зини очиши хушёр торттириши мумкин-ку.

Мана, тазарру мактубларидан биттаси. Уни бизга... лик Маргуба исмли синглимиз езган

«... Талабалик йиллари Раъно исмли дугонамнинг уйларига миз олдидаги қарздорлик бур- обрган эдик. Мен билан бирга яна учта киз тог енбагрида в жойлаштан кишлокда мехмон в булдик. Учинчи куни шахарга кайтамиз, деб турганимизда қуш ни махаллада туй булиб колди

базмдан кейин шундок колиб кетган идишларни ювишта тушдик. Ювилиб артилган бир даста ли-

копчаларни кутариб хоналардан бирига кирган эдим, кузим токча четида турган чиройли хаменча ва ... тилла такинчокларга тушиб битта балдок, битта никох узуги. Хонада хеч ким йук, никох узугини хавас килиб аста бармогимга такдим. Иук, ушанда хаелимда емон фикр йук эди. Шунчаки хавасим келиб кетди. Омон-эсон укишимни тугатиб олсам мен хам келин буламан, мана шунақа ни кох узук такаман, деб уйладим

Шу пайт хонага кимдир кирли. Шоша-пиша хамённи жойига ганларнинг тазаррулари, хасрат куйдим, узукни булса бармогим тула пушаймоплари бошқаларға дан чиқазаолмадим. Ноилож қусабок булиши, кимларнингдир ку- лимни яшириб кушни хонага чикдим.Пайт пойлаб туриб узукни жойнга қуймоқчи булдим, аммо, у ерга эркак мехмонлар кириб утириб олишди. Нима килишим ни билмай қолдим. Биров куриб колса, бу киз угри экан, дейди деб, узукни сумкачамта солдим. Ичим тула вахима. Хамма худди мени зимдан кузатаеттандек булаверди. Раънохон келиб, «Ха, уртоқжон, чарчаган куринасан, ке утир, хохласанг, сингилларим билан тепаликка чикиб айланиб келинглар», дейди. Мен «Иук, чар-

май бориб олдиларида утирдим. Яраттаннинг иродаси экан, бир ойга етиб-етмай оламдан утдилар Хамма маъракаларини ўтказиб Тошкентта қайтиб келдим. Дугоналарим кунглимни кутаришади. хол-ахвол сурашади, мен булсам уларнинг кузига хадик билан тикиламан. Кейин Раънохон уйига бориб келди. Хаёлим унда, огзини пойлайман, кузига қарайман. Неча бор булган гапни шартта айтиб, узимни оклаб олай дейману яна қурқаман. Узук кузимга балодек куринади, қаерга яширишни билмайман. «Олтин девор»даги Мумин бувадай, хали ерга, хали бу ерга яшираман. Охири битта ишонган уртогимга курсатиб (у бошка олийгохда укирди), шу омонат сизга туриб турсин, дедим. Хуб, деб олиб кетди. Кейин билсам, яна хато қилган эканман. Уша уртогим бир куни келиб, «Дугонажон, мени кечир, узукни йукотиб куйдим», деса буладими? Тилимни типплаб кола

учун укишим хам кузимга курин

Бир куни хонада уч-туртта киз чой ичиб утирган эдик, кимдир Раънохонга «Бахорда яна токка борайлик, уртокжон?», деб колди. Раънохон худди шу гапни кутиб тургандай «Э, қуйсаларингчи, Алижон овга чикди, кетидан гавго чикди», деса буладими. Юрагим шувв этиб кетди. Бир нимани бахона килиб аста ташкарига чикдим. Бу ерда ортик кола олмаслигимга кузим етди. Узук қулимда булганида, хозирок, булган вокеани айтиб, керак булса, уйларига олиб бориб беришта тайер

Эртасига иситмалаб дарсга боролмай қолдим. Узимиз томонлик бир йигит олдимга келиб турарди, битта мактабда укиганимиз учун унча-мунча гапни бир-биримиздан яширмасдик. Ичим тулиб кетди. Охири чидамай олдига бордим, уртогимнинг тилла узугини йукотиб куйдим, дедим. У ишонди. «Маргуба, сен ташвиш қил ма, шанба-якшанба кунлари ишлаб пул туплайман, кейин узук сотиб оламиз, хаммаси жойида булади, - деди. Мен индамадим Аммо ичимда рози булиб турар-

Олимжон сузининг устидан чикадиган йигит эди, баъзан дарсларга хам келмай, қаерлардадир қурилишда булса керак, ишлай бошлади. Мен яна ташвишта колдим. Пул топаман деб, укишдан қолиб кетса-я?

Орадан унча куп утмай, бир куни кечкурун Олимжон етокхонага кутилмаганда кириб келди, Ичиб олганми, уртокларим олдида ўзини эркин тутиб, мени хижолатта қуйди. Мен уни бунақа холатда сира курмаган эдим, аввалига имо-ишоралар билан «мени уялтирманг», демокчи булдим. Аммо у баттар авжига чика бошлади. Кизлар хонадан чикиб кетишди. Шунда у чунтагидан битта тилла узук чикариб менга узат ди: «Маргу, мана уша сента ваъда қилган узук. Аммо, биласанми, Маргу, — у жуда хаяжонланиб пала-партиш гапира бошлади, -менга қолса уни хеч кимга берма, узинг такиб юр. Сенга булган... мухаббатимнинг рамзи сифатида қулингдан қуймай тақиб

Олимжон шундай дедию жавобимни хам кутмай мени кучоклаб олди. Анграйиб, нима булаетганини тушунмай, туриб қолдим. Кейин бирдан узимга келиб «Олимжон, узингизни босинг, уят булади», дедим. У булса, «Нега қолди. Иккита еқут кузли узук, уят булар экан, битта шу узукни деб ун кун кора терга ботиб ишладим, угирлаб олганим йук», деди ва... баттар епина бошлади. Жахл устида тарсаки тортиб юбордим. Узугини кулига тутказиб, хонадан хайдаб чикардим.

Хуллас, уша куннинг эртасигаск уйга жунадим. Укишимни сиртки булимга утказдим. Бу хам майли, мен учун энг огири - буни анча кейин билдим - уша йуқолган узукни деб бир оиланинг бузилиб кетишига хам сабабчи булган эканман...

Мана, энди менинг хам оилам бор, иккита шириндан ширин кизалокларга онаман. Турмуш уртогим, кайнона кайнотам, кайинсингилларим мени хурмат килишади. Тилла такинчокларим хам йук эмас. Аммо, никох узугини кулимга олдим дегунча баданим музлаб кетади. Виждон азоби хали вери мени тинч куймайлиганга ухшайди. Аммо, нима килиш ни, уз мушкулимни кандай килиб осонлаштиришни билмайман. Эхтимол, сизлар бир нима деб эмас. менга юпанч буларсизлар?.

Муроджон исмли йигитдан Кечкурун поездга чикишимиз келган мана бу мактуб хам тазаркерак. Кечгача бир амаллаб жойи- ру сатрларидан иборат. «Хурматга қуяман, деб уйладим. Афсус, ли тахририят ходимлари, — деб иложи булмади. Тушдан кейин ёзади нотаниш дустимиз. — Авхаммамиз Раънохонларникига вало узимни таништирай. Мен қайтиб келдик. Хадеб сурайве- 1985 йили харбий хизматимни туриштанидан кейин «бошим огриб гатиб она-юртим Фаргонага омонқолди», дейишга мажбур булдим. эсон қайтиб келдим. Дастлаб Қу-Тошкентда ахволим баттар кондаги еш автомобилчилар техемонлашди. Хаммадан хадикси- никумита укишта кирдим. Шахар райдиган, икки киши бир чекка- хасти мени бутунлай узига ром да шивирлашаеттан булса, худди килиб олди. Янги-янги дустлар улар менинг гийбатимни кили- орттириб, кинотеатрларда, видеошаетгандай булаверди. Ранг- салонларда уйнаб-кулиб юраверруйимга қараб булмайди. Бу ора- дим. Ешлик деган нарса одам ҳаеда онам касалланиб етиб қолди- тида бир марта булади, уйнаб қолар. Оилада елгиз қиз булганим лиш керак, давру даврон суриш керак, деб уйлардим. Отам мен мактабда укиб юрган кезларим оламдан утган эдилар. Кекса онамни куп ранжитардим, насихатларига кулок солмасдим. «Автошкола»ни тугатгач, туман ДО-СААФида (хозир «ватанпарвар» ташкилоти) инструктор булиб ишлай бошладим, 1-даражали категорияга утказиштанидан кейин автобазага шофер булиб утдим. Етти йил кишлоклараро маршрутда қатнадим. Уша йиллари уйландим, хозир туртта фарзанднинг

> кайфу сафога берилиб емон бир ишга қул уриб қуйдим. Ешлари етмишларни қоралаб қолган онамнинг, хотинимнинг юзларини ерга қаратдим. Менга улар куп насихатлар қилишди, «Уғлим, узингдан кичик, бетайин болалар билан юрма, болаларингни уйла, емон йулларга юриб кетма, кейин пушаймон буласан», дейишди. Аммо, бу гаплар мента кор килмади. Нима килиш кераклигини узим яхши биламан, деб юравердим. Она насихати тилладан киммат эканлигини тушунмадим. Мана энди бошим деворга урилди. Битта бузук телевизорни деб, озодликдан махрум булиб утирибман. Хозир ахлок тузатиш ишларига жалб қилинганман. У еқда бечора онамнинг, хотиним, болаларимнинг ахволи не кечди экан? Узимни узим шу куйларга солганимдан юрагим эзилади. Менга узи нима етишмаеттан эди, нега шайтоннинг васвасасига учдим, дуппа-дуруст ишлаб юрган эдимку! Оч, ялангоч қолганим йуқ эдику! Узимни узим тинимсиз сурокқа тутаман. Аммо фойдаси йуқ. Хаммасига бир узим сабабчиман.

1995 йилнинг бошларида

Ушанда катталарнинг насихатларига кирганида бундай ахволга тушмаган булардим. Мен бу гапларни енига уч-турт сум пул тушиб, босар-тусарини билмай қолаеттан ешларга, узимга ухшаш нодонларга айтаянман. Ешлик бир марта берилади, уриб қолсуриб қол, деган гап гирт бемаънилик экан. Аксинча, умр бир марта берилади, вақтингни бехуда утказма, ёмонлик кучасига кириб, номингни, йигитлик шаънингни булгама, дейиш керак экан. Пулинг купайса, бир пасда улфатларинг, дустларинг, ошна-огайниларинг хам купайиб кетар экан. Мен буни узимда синаб курдим. Бундайлар чунтагингдаги пулингга қараб муомала қилишар экан. Эс-хушингни угирлаш учун исминіта «бойвачча», «бой» деган сузларни кушиб, егдай эритиб юборишар экан. Пулинг тугаган куни тумтарақай қочиб; қораларини хам курсатишмас экан. Бир узинг бошингни чангаллаб қолаверар экансан. Мана мен, худди шундок булиб утирибман. Ким келиб холимдан хабар олди, ким йуклаб келди? Қани уша улфатлар, егли қозон бошидаги ошна-

огайнилар? Хурматли тахририят» Агар лозим курсангизлар, менинг ушбу пушаймон тула мактубимни ва езган қуйидаги шеъримни босиб чиқаринглар. Зора, муштипар онамнинг, умр йулдошимнинг кунгил-

лари бироз кутарилса. Дустларим, афсусдаман, доно билиб ўзимин. Аслида бир ожизу нодон эканым былмалым Минибон мансаб отнга, оккора не, англамай. Килмишим, юришларим

Кулга тушса туртта сум,

абгор эканини билмадим.

кукрак кериб, хуб герданиб,

OFFIRMAND STREET, GREINGRIEDEN...

Бундайин («рохат-фарогат» бирдам эканин билмалим. Килдилар менга насихат, эй ўгил, кузинчин оч! Бу насихатларии, эссиз, олтин экании билмалим. Бош келиб текканда тошга, ох урарман, фойдасиз, Ким келиб холим сурар,

Тахририятдан: тазарру мактубларида баён қилинган воқсалар ни, Маргуба ва Муроджонларнинг кечинмалари тафсилотларини тула баен этиппа харакат килдик. Муроджон хатоларидан тугри хулоса чикариб олганга ухшайди, аммо Маргубага нима маслахат бериш мумкин?

Узук вокеаси битта оиланинг барбод булишита сабаб булибди. Эхтистсизлик килиб бу хатони яна такрорлаб куймайлик. Чунки, Маргубанинг хам опласи, бо-

Мухтасар суз шуки, хар иккала мактубла хам, тахририятимизга келаеттан бошка тазарру мактубларида хам, албатта, битта жумшайтон йулдан урди», «Шайтон васвасасита учлим...» ва х.к.з. Ха, шайтон бор, шайтон мавжуд. 3 бизнинг снимизда, унгу сулимизда, ичимизда. Шоир айтганидек, уни ўлдирмок керак, йук килмок керак. Одам боласи бир лахза булса-да шайтонга йул бермаслиги, иймон эвтикодига зид или тутмаслиги зарур. Акс холда оний халоват еки истисно туфайли бир умр виждон азобида колиш хеч гап

м. ахмаджонов

Абдулла ОРИПОВ шеври Анор НАЗАРОВ мусикаси MEH HEYYH CEBAMAH

Мен нечун севаман Узбекистонни, Тупрогин кузимга айлаб тутиё?! Нечун Ватан дея еру осмонии Мукаддас атайман, атайман танхо?!

> Аслида дунёда танхо нима бор, Пахта ўсмайдими ўзга элда ё? Еки куёшими севгимга сабаб? Ахир, куёшли-ку бутун Осиё.

Мен нечун севаман Узбекистонни? Богларин жаннат деб кўз-кўз этаман. Нечун ардокларкан тупрогини мен, Упаман: «Тупрогинг бебахо, Ватан».

> Аслида тупрокни одил табиат Таксим айлаган-ку ер юзига тенг. Нечун бу тупрок деб йиглади Фуркат, О, Кашкар тупроги, капппокмидинг сен?!

Хуш, нечун севасан Узбекистонни? Сабабини айттин десалар менга, Шоирона, гузал сузлардан олдин Мен таъзим киламан она халкимга.

> Халким, тарих хукми сени агарда Мангу музликларга элтган булсайди, Корликларни макон этган булсайдинг, Мехрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар, Майли, гулласин, Бог унсин мангулик музда хам, аммо Юртим, сени факат бойликларинг-чун Севган фарзанд булса, кечирма асло!

9386 - HUG-TONHEL He-ZYH BATHINGER TYR-PO-ZZIH KYBUMZA GULAGS TYTUE? не-гун ватанце. х Мукад-дас отой-ман, а-тай-ман тан-хо? Ясли-да дуне-да танко нима бор, пак-та устайдити узгазлаге? в жи куечии-ми сев-гимаа са-баб ажир куёшлику . Мен негун севаман, мен негун севамон, Мен негун себаман Узбекис-тон-ни

мойиш этганига куп булгани йук. Бирок утган саккиз иил мобайнида саккизта пратиб, узига хос ижодий жамоа сифатида огизга тушди.

Кечагидай эсимда. 1988 иили бахор кунларининг бирида «Тановар» «Узбектупризм»га қарашли Маданиймаърифий марказда Тошкентдаги барча мутахассислари ни йигиб, «Шарқ аёли» номли биринчи дастурини куррух ўзининг илк дастури билан бирон бир ракс ансамбпига ухшамас, фолклор-этнографик қиёфада эди. Мутахассислар янги жамоа танлаган йулни асосан маъкулладилар. Бирок дастур телевидение оркали курсатилар в экан, турли фикр-мулохазапар уйготди. Уни қабул қилмаганлар хам булди. Бунга сабаб шуки, «Тановар» гурухи, унинг ташкилотчиси ва в бадиий рахбари Юлдуз Ис-

театри яратиш булган. Ю. Исматованинг орзу-хаваслари асосли эканини тушуниб, алохида бир гурух ташкил этишга рухсат беришди. Гурухнинг номи хам бежиз «Тановар» эмас. Маълумки, «Тановар» халқ орасида хам, Мукаррам Турунбоева ва «Бахор» ансамбли ижросида хам аёл кишининг хис-туйгуларидан хикоя килувчи ўзига хос ракс спектаклидир.

матованинг асосий максади

дастлабки кадамидаек ракс

Албатта, «Тановар» ракс театри осмондан тушмаган. Бундай ижодий жамоанинг вужудга келиши ва узбек санъатида уз урнига эга бупиши учун етарли тарихий асослар бор. Шубхасиз, ўзв бек ракс санъати жуда бой ва узок тарихга эга. Афсуси, куп ракслар унутилган. **Пекин** бизгача етиб келганларининг ўзи хам унинг бекиес, сержило ва баркамоллигидан дарак беради. Мана шу турфа ракслар орасида ижрочиларнинг танаси, қулоёқ ҳаракатлари, рафторлари, нигохлари ва юз ифодапари воситасида инсон қал-__ би ва жамият хаёти ходисапаридан хикоя килувчи, юк-

сак поэтик умумлашмали, яратишда ташлаган жиддий либретто, хам мусика, хам кузга ташланди: бири— халк. Мирзо Улугбек билан па-

янглиш тасаввур. Утмишда ракслар бошдан-оёк янгидан зифасини ўтаган.

театрни эслатувчилари хам қадами булди. Унга Машраб сахнавий талқин бир пайтда, ижодиётига таянган холда даркуш Абдуллатиф образкуп булган. «Лазги», «Гул Бобоев либретто ёзган, муси- ҳамкорликда тугилса, ундай халқ рақслари ва ҳаракатла- ларини қуядилар. Уларниуйин», «Тановар», «Муно- қасини Қахрамон Комилов асар бадиий жиҳатдан куркам рини тиклаш, таъмирлаш бул- нг атрофида яхши ва ёмон жот» каби хар қайсиси бир басталаган. Юлдузхон Исма- ва таъсирли чиқади. «Ноди- са, иккинчи йуналиш — мил- юлдузлар харакат қилишанеча пардадан иборат ракс това катта бир достондаги ке- ра» спектаклида шундай хол- лий ракс меросига таянган ди. Ю. Исматова етакчи томошалари шу жумладан- нг куламли вокеаларни, об- ни курамиз. Юлдуз Исматова холда янги ракслар ва хара- тимсоллар, тукнашувлар, дир. Росмана олиб қараған- разлар силсиласини замона- композитор Мустафо Бафоев катлар кашф этиш, шу асос- рақс саҳналари, оммавий да, улар — чинакам ракс вий томоша шаклига сигдир- билан бакамти иш олиб бор- да тула маънодаги ракс спек- кахрамонларнинг харакатди. Мазкур спектаклда Ю. такли яратишдан иборат. Юл- лари оркали мазмунни Куплар утмишда ракс «Севги нидоси»да бир огиз Исматова сукутлардан усталик дуз усуллари, чархлар, айла- ифодалайди. Шуниси кишунчаки халқ санъати дара- ҳам суз йуқ. Бахром билан фойдаланган. Муайян нишлар, жилвалар, рафторлар зиқки, белетмейстер Миржасида булиб, маърака ва Дилоромнинг бутун саргузаш- холатларда қотиш қахрамон- силсиласига таянади. Ахен- зо Улугбекни сокин харатуйларида нукул уртада ти ракс харакатлари восита- ларнинг рухий оламини акс ахёнда классик балет, шарк катлар, сукутлар, уй ва изуйналган деб уйлайдилар. Бу сида ёритилди, иккинчидан, эттиришда таъсирли омил ва- ракси харакатларига хам му- тироблар гирдобига колдирожаат қилиб туради. Айтиб ради, у ўз қисматини ўзрақс икки қанотли ажиб бир ихтиро қилинди. Албатта, ра- «Нодира» спектаклида мил- утилган икки йуналиш беш гартириши учун фаол ҳақушта ухшаган: бир қаноти қс сахналари, бош қахрамон- лий рақс харакатлари клас- хил «Тановар» талқинларини ракат қилмайди. уз ичига олган «Севги васфи» дастури билан «Улугбек бур- хам кескин қораланмайди. жи» спектаклида ўз аксини У тулганади, ўзича изтироб топди.

ижодкор — Юлдуз Исматова

Спектаклда Абдуллатиф чекади, холос. Бир суз би-«Улугбек буржи» да икки лан айтганда, «Улугбек буржи» умумлашган, поэтикфалсафий миллий балет сифатида майдонга келди.

Алкисса, Узбекистон давлат телерадиокомпанияси қошидаги «Тановар» ижодий жамоасининг фаолияти туфайли ракс театрига пойдевор ташланди. Театр муайян тажриба орттирди, ўз ижодий тамойилларига эга булди. Энди мана шуларга таяниб, театр ва унинг рахбари, Узбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова халқ тарихига, қадриятларига тобора чукуррок кириб боради. Сунгти спектакли — «Мозийдан нур» шундан дарак беради. Унда аждодларимизнинг қабила-уруғчилик давридаги ёр танлаш билан боглик маросимлари, урфодатлари ўз аксини топган. Аммо бу спектаклда хам Ю.Исматова юлдузларни унутмайди: юлдузлар севиштанлар такдирини хал этишда қатнашади.

Балетмейстернинг махо-

Мухсин КОДИРОВ, санъатшунослик доктори,

халқ рақси булса, иккинчи қаноти малакали, мумтоз рақсдир. Малакали раққос ва раққосалар купинча махсус айвон сахналар, тарабхоналар, кушкларда томоша курсатганлар, уларда рақслар сахналаштирилган. Бу ишда мураққослар, голиблар фаолият курсатиштан.

XX асрда анъанавий ракс сахналарга чикиб, бир даража замонавий тус олган булса-да, лекин куп нарсаларга эътибор берилмади. Айникса, вокеабанд ракслар, куп қисмли мумтоз рақслар, йигитлар ракси ривожланмади, сояда қолиб кеттанлари, унутилганлари хам куп булди. Раксдан асосан муайян мусика охангларига, яллаларига иллюстрация сифатида фойдаланилди. Сахнавий

тишнинг ўзи бўлмади. Даст ши.

образ яратишда ракснинг ич- лар тимсоллари, оммавий сахки имкониятларидан келиб наларни уйинлар билан тасчикиш устида кам иш ки- вирлашда Юлдуз Исматова линди. Уз даврида Тамара- асосан мавжуд Фаргона ракс хонимнинг ижодий изла- услубидан, урни-урнида бош-

«Сабъаи сайёр» достони асо- сунг уз шаклини топа бош- ди. «Аёл қалби»да эса рақс ғулланган.

нишлари, Мукаррам Тургун- қа услублардан ҳам фойдалан- сик балетнинг айрим унсур- билан композитор Мустафо боеванинг «Бахор» ансамбли- ган. Аммо том маънода янги лари билан уйгунлаштирилди. Бафоев яна учращди. Нати- рати туфайли бу гал хам даги ракс спектакллари бун- ракс харакатлари, янги ракс- Ю. Исматова ракс театри жада, умумлаштан, гаройиб антика томоша майдонга дан мустасно, албатта. Ам- лар ҳам йуқ эмас. Оҳулар- яратишни мақсад қилар экан, оҳанг ва ритмлардан ташкил келган. Томошабин қалбимо, бари-бир ракс театри нинг харакатлари хамда сах- хар хил тажрибалар килиб топган симфония, шу асосда га, шуурига аждодларимиз яратиш борасида бирон ижо- налари бунга ёркин мисол- курди. «Аёл қалби» спектак- миллий балет вужудга келди. тарихидан, мозийдан бир дий жамоа изчил иш олиб дир. Охуларнинг либослари, лини шундай бир тажриба деб «Улугбек буржи» буюк мунаж- нур окиб киргандай рохат бормади. «Тановар» ансамб- нафис харакатлари, айланиш- қараш мумкин. Қуқонлик жим Мирзо Улугбек юбилейи- қилади. Композитор М. Балигина илк қадамларидаёқ ўз лари, қул ва оёқ ҳаракатлари халқ қушиқлари ва яллалари- да Самарқанддаги Регистон фоевнинг бу галги мусиқаолдига айрича вазифалар шу қадар мафтункорки, балет- ни ижро этишда шухрат қо- майдонида намойиш қилин- си ҳам рақс спектаклига мейстернинг ижодкорлигига, зонган Узбекистон халқ артис- ди. Антиқа мусиқанинг яра- узукнинг кузидай мос туш-Лекин ракс театри яра- махоратига койил колади ки- ти Рахима Мазохидова так- тилишида хам Юлдузнинг ур- ган. лиф килинди. Маълум дара- ни бор. Чунки Ю. Исматова «Тановар» ижодий жалабки икки спектакл — Шундан кейин сахналаш- жада «Аёл қалби» ҳам «Шарқ илгаридан юлдузлар ҳаракати моасига эътибор берса ар-«Шарқ аёли» билан «Наман- тирилган «Нодира» спектак- аёли» дастурини эслатади. Ик- ва уларнинг инсон такдирига зийди. Қани энди унинг тан гуллари»ни хали том лида «Севги нидоси»да орт каласида хам халк ижодиети таъсири масаласига, яъни аст ижрочилари орасида йимаънодаги ракс спектакли тирилган тажриба кул келди. «Аммо рологияга кизикиб келади. гитлар хозиргидай учта деб айтиш қийин эди. Улар- Унда Юлдуз Исматова ҳам «Шарқ аёли»да этнография Манбалардан аниқлашича, эмас, купроқ булса, спекпа да муайян вокеалар акс эт- либретто муаллифи, хам сах- (янги маросимлар) устунлик хар бир юлдузнинг ўз оханги талларини жонли ижрода тирилса-да, бирок мавжуд налаштирувчи режиссёр вази- киларди. Ракс хаётий лавха- бор экан. Шунингдек, буюк намойиш килиб турадиган ракслар, маросим хатти-хара- фасини бажарди. Бу табиий лардан, маросимлардан туги- астроном Мирзо Улугбек ўз махсус бир бино булса. тани. Не-Не хонандалар, созан- чи мукофотта сазовор булди. 1981 Улар, хусусан, устоз Ражабий уз- 🗷 катлари олинган булиб, бир- хол. Булгуси томоша мавзу- либ, шакл оларди хамда бир- фожиасини олдиндан билган, Умид шулки, вакти келиб

даю бастакорлар етишиб чик- йили эса Хоразм вилояти буйича бек миллий мусика саньатининг вири билан уланиб, узига хос лекин шунга карамасдан, ил- «Тановар» ракс театри бумади бу макондан. Бугунги кун- утказилган курикда бир йула 3 та хазинабони эди. Шунингдек, 🔛 Алишер Навоийнинг онгида, шуурида тугилиб, бадиий яхлитлик касб этар- ми нужум билан астойдил шу- тун Шаркда машхур бул-

Композитор хам, сахнавий ана шуларнинг бири. Хонқа ту- куплаб қушиқлари тезда оммала- рини тушунтирган Борис Гиен- Доси» спектаклигина «Тано- балетмейстерлар либреттони Шу тарзда «Тановар» рақс талқинда Ю. Исматованинг

профессор

Кутлаймиз! == MYCHKAFA BAXWIDA YMP

Хам театрда ишлаб, хам мактабда ашуладан дарс беради.

Баз-ларин жаннат дей жуз-куз эта-тан

У-па-ман: Тупротинг бе-бажо ва-тан

1952 йили Огахий номидаги вилоят муикали драма театри йулланмаси билан Тошкентта укишта келди. Бу ерда Хамза номидаги мусика билим юртининг композитор ва мусикашунослик булимида укиди. Шундан сунг Тошкент Давлат консерваториясининг тайерлов булимида икки йил укиди. Консерваториянинг композиторлик факултетида хам икки йил тахсил олди. Бирок такдир такозоси билан консерваторияни тугатолмай қолди. Шундай булсада, у бирор дакика хам мусикадан ажралмади. Хакикий ижодкор учун асосий майдон ижод килишда эканини яхши тушун-

эълон килган конкурсда А. лари Юнус Ражабий ва Тухтасин лар тилаб коламиз. Мулламухамедов сузи билан Жалиловдан ургантанларим мен-

Хоразм асли санъаткорлар ва- «Ахдимиз» номли кушиги учин- га бир умрлик хамрох булди. да фахрийлар сафида дам олает кушиги такдирланди. Бу уринда консерваторияда мента Европа ган бастакор Собир Сафоев хам бастакорнинг болаларга аталган мусикасининг узига хосликла- сида яратилган «Севги ни- лайди. Шу боисдан купгина манининг Мадир кишлогида шиб кеттанини таъкидлаб утиш ко ва Георгий Мушел хам ус- вар» нинг ракс спектакли узлари езадилар. Умуман, хам театрида икки йуналиш аник узи хам спектакли марказига дунега келган С. Сафоев бола- уринлидир. Шунингдек, куплаб тозларим катори дилим турида лигиданок турли мусика асбоб- кушиклари радио оркали таралиб, ардоклидир». Ха, С. Сафоевларини чалишта иштиекманд тингловчиларга манзур булди.

булган. Хали мактабда укиб юр- Албатта, хар бир бастакорнинг ди баланд. Унинг академик ган давридаек у ерда мусика ту- уз услуби, йуналиши, оханг йул- Юнус Ражабийга багишланган гараги ташкил килиб, узи рах- лари булади. Собир Сафоев куп- узбек халк чолгу асбоблари орбар булади. Бу ансамбл билан рок халк куйларимиз, кадим кестри ва най учун езилган туман ва вилоятнинг жуда куп охангларимиз йулида ижод ки- «Тошкент бахори» фантазияси жойларида концертлар беради- лишни, асарларида миллийлик шу этикоднинг кичик бир налар. 1942 йили Хонка тумани кузга ташланиб туришини ис- мунаси холос. Бугун узи устоз театри вакиллари тугаракнинг тайди. Иложи борича кишилар ешига етган булса-да, хамон урмашк жараёнини кузатадилар ва юрагига етиб борадиган, уларнинг ганицідан, изланишдан чарча-С. Сафоевни театриинг мусика кайфиятларига таъсир этадиган майди. рахбарлигига таклиф этадилар. куйлар ижод килишта интилади.

нинг устозларига хурмат-эътико-

Шу кунларда республикамиз



С. САФОЕВ. 1953 йил

зали билан «Рафтор айладинг», совга қилган уста Мавлонни бо- «Лашкарим менинг» ҳамда Хабибий каби шоирлар шеър- рози Екубовдек санъаткорнинг фоевнинг хали килар ишлари, позиторлар уюшмаси, Маориф «Айникса», -- дейди Собир ака, улашищдек эзгу ишда бардамвазирлиги ва «Гунча» журнали -- мумтоз мусикамиз билимдон лик, саломатлик, ижодий омад-

Хеч бир касб эгаси уз-узидан мустакиллигига багишланган дейди ота. 1940-йилларнинг охири ва 50- махорат ва тажрибага эга булиб «Ассалом Узбекистон!», «Лаш-Сафоев изланишлари узининг ларнинг хизматларини қайд этиш мусиқаси) «Армиям» (Ж. Камол илк натижаларини бера бошла- жоиз. Собир ака аввало жуда эр- шеъри) каби кушиклар устида ди. Шу йилларда Мукимий га- та, турт ешли бола чогида дугор ишлашни тугаллади. Хозир эса Залилий шеъри билан «Жоним- лалик мехру мухаббати билан эс- «Посбон йигит кушиги» каби нинг жононаси», Камтар газа- га олади. Театрда ишлаган кезла- янги асарлар устида ишламоқзали билан «Жононим» қушиқ- хон Болтаев, узбек куйлари сир- 70 ни қораласа-да, ҳамон тиним лари езилди. Шундан сунг Кам- асроридан огох этган Хужаниез билмай изланаеттан, бутун умтар, Енгин Мирзо, Акмал Пу- Каримов сабоклари бир умр унга рини мусика санъатига бахшилат, М. Қушоқов, Туроб Тула, хамрох булди. Филармонияда Ше- да этган композитор Собир Саларига қушиқлар басталади. Угитларидан бахрамандлик унга орзу-ниятлари мул. Биз унга ха-1960 йили Узбекистон Ком- ижодий илхом багишлади. миша одамларга кувонч ва бахт

T. YMAPOBA

«МУХАММАД ЮСУФДАН КУШИК

Собиржон сипо йигит. Андишали, камсукум. Махмадонагарчиликни ектирмайди, одоб саклаб туради. Гапнинг индаллосини шундан бошланганимизнинг сабаби, купгина еш қушиқчилар туртта одамнинг олдида икки марта ашула айтса еки ойнаи жахонда бир амаллаб куриниб олса, тамом, худо берди. Тирик дахога айланади. Собиржон эса бугун анча кузга куриниб, мухлисламуким булиб қолган булса ҳам, катта давраларда пойгакда ўтиришни е чой ичишни ор билмайди. Хаммаси отасидан утган. Отаси Одилжон ака

65 дан ошдилар. Фаргона водийсидаги катта санъаткорлар у кишини яхши билишади, хурмат килишади. Журахон ака, Маъмуржон акалар енида юрган, доирасида усул бериб турган, ашула айтган. 30 йил театрда ишлаб, қарийб 20 йилча мактабда мусикадан дарс берган. Юртнинг яхши маъракаларида куп хизмат қилиб, халқдан фақат дуо олган. Шунданми, угил фарзандларида хам санъатта мехр уйготтан. Хамма угиллари (улар бешта) бирор чолгуни чалишнинг хадисини олиш-

Улгайгач, бошка касбнинг этагидан тутиб кетишди. «Лекин «ичида» хаммаси санъаткор»,

«Ичида» ҳам, «устида» ҳам санъаткор булгани йилларнинг бошларида Собир колмайди. Бунда, аввало, устоз- карбоши» (С. Сафоев шеъри ва I шу - Собири. «Балки бошка иш кулимдан келмас, бошка ишни акаларимдай эплолмасман, шунинг учун санъатда колгандирман», - деб камтарлик хам қилади узича. Бир томондан акаларини сал «кутариб» қуяди...

уз хунарининг иссик-совугига кунадиган, чидайдиган булади. Акс холда, иссигида хузур, совугида

Бу Собиржон деганимиз шунақа, ҳақиқий санъатта хакикий мехр куйганлардан. Уни жон ишим деб билганлардан. Унинг ижоди водийона халқоналиги, самимийлиги билан ажралиб туради. Таваккал Қодиров, Расулжон Урайимжонов-

шикларида. Унинг андишали, покиза, сиполиги ку- лари куллайди уни. Чунки унинг узи хам илмли, шикларида хам куринади. Шеърдаги хар бир сузга, ибодатли. Оилада садокатли эр, бир угил, бир мусикадаги хар бир созга эътиборли. Унинг кизга мехрибон ота. Канча мехр билан ашула қушиқлари равон чиқишида овоз ёзиш студияси айтса, шунча ихлос билан ибодат хам қилади. ходими Анвар Тожиевнинг катта хиссаси бор. Ен- Балки мана шу илм-эътикод уни енгил-елпи кугил-елпи, бачкана қушиқлари йуқ. Бир туйда шиқлардан тийиб турар. Унинг қушиқлари тозайигит-қизлар туп булиб, роса уйин қилишди. Шун- лиги, самимийлиги, юқорида айтганимиздай, халда завки баланд кизлардан бири шеригига бир ни- кона уйнокилиги билан юрагимизни «жиз» эттирини топасттан, ойнаи жахонда, радиода анча ма деб шипшиди. Ингит келиб «Шинанай»ни су- ради. ради. Собиржон «Бу қушиқни айтмайман»— деди. Киз олдида усал булишдан чучиган йигит «Канча узингизча хиргойи килиб юрасиз. «Сиз мохитопул керак», деб туриб олди. Хофиз эса: «Ука, пу- бон буласиз», «Улан айтар кизлар», «Курдим ена», лингиз узингизга сийлов, мен бунақа ашулалар айт- | «Айтолмайман», «Жонон қизлар кунгил берманг маганман, узр», - деб «Вафоси йук йигитнинг беху- номардларга», «Куйдираман ушал кизни куйган да ери булма...» ашуласини бошлаб юборди.

— Уша болачаларнинг ашуласини айтиб беравер- нам», «Мунча зеболанмасун», «Бир келиб кет» мадингиз-да, деб кейин ҳазил қилиб қушиб қуйдим. каби қушиқлар ана шундайлардан. - 5-6 сум пулдан хам қолдингиз.

 Ака, олифтагарчилик қилаяпти, деб уйламанг, асло. Факат бунака ашулаларни айтмайман.

Собирнинг энг талабчан тингловчиси, аввало, отаси. Роса берилиб, назарида зур айтиб қуйдим, сам, уйланиб туриб қолди. деган ашуласини эшитиб хам пинагини бузмайди: «Ха, энди, санлар хам юрибсанлар-да, хофизман | деб, Маъмуржон акалар булсами хозир, хаммангни ни укиб маза киламан. Лекин хозир кимки булдалага опчикиб пахта чоптирарди», — деб куяди. са, шу кишининг шеърларини кушик килиб, тез-Лекин юзидаги нур, кузидаги жилва углининг ижо- рок машхур булиш ниятида. Хамма килган ишдидан розилигини билдириб туради. «Шундай деб ни килгим келмайди... Бу китобдаги барча турмасангиз, бу такасалтанглар айниб кетади», — шеълари кушик булган. Агар янги китоби чикиб дейди купни курган хофиз.

